**Мактаб**
**Институт**
**Ҳаёт**

# УМИД МАНЗИЛИНИНГ ЧИРОҒИ ПОРЛОҚ...

**Даста-даста гуллар бўлсин поёндоз**
**Шўх қизларим, жон қизларим, оппоғим.**
**Кўча-куйда жаранглайди минг овоз,**
**Қувончларга тўлиб кетди ҳар ёғим...**

Мана бугун сиз чор атрофга назар солсангиз, айни шу ҳолнинг гувоҳи бўласиз. Ўрта мактабни тугатган қизларимиздан қайси бири олий ўқув юртига ҳужжат топшираётир, яна бири ишга жойлашиш ниятида. Кимдир ёзги таътилда лагерда дам олмоқда. Мактабда аъло баҳоларга ўқиётган бир қатор ёшларимиз шундай тиришқоқликлари учун сийландилар — улар хорижий мамлакатда ўқишни давом эттиришади. Институтни тугатганлар эса — ишга...

Хуллас, ҳаёт давом этаётир, янги ва янги авлодлар вояга етиб келмоқда. Улар мамлакатимиз истиқболи гуллаб-яшнашида ҳали кўп ҳайрли ва савоб ишларни амалга оширишларига шубҳа йўқ.

"БЎЛҒУСИ ТАЛАБА — 94"

# Тошкент давлат иқтисодиёт университети







бугун гавжум. Кечагина остонасидан ҳатлаб ўтган ўқувчилар етук мутахассис бўлиш ниятида олий ўқув юртлари сари шошилган дамлар. Фақат бўлғуси талабалар эмас, балки уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ҳам ҳаяжонда.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг факултетларига ҳам ҳужжатлар қабул қилиш давом этмоқда. Бу ҳақда қабул комиссияси масъул котиби профессор Зокир Йўлдошев шундай ҳикоя қилади:

— Бу йил ўтган йиллардагидан ўзгачароқ мутахассис йўналишлари бўйича ҳужжатлар қабул қилмоқдамиз. Иқтисодда халқаро иқтисодий муносабатлар, агроиқтисод ҳамда иқтисодда халқаро тизим шулар жумласидан. Кундузги бўлим учун 250 нафар, сиртқи бўлим учун эса 200 нафар талаба қабул қилинади. Имтиҳонлар 30 июлда (сиртқи бўлимга ҳужжат топширганлар учун) ва 5 августда (кундузгилар учун) бўлиб ўтади. Барча олий ўқув юртларидаги каби бизда ҳам имтиҳонлар тест асосида қабул қилинади.

Университетда ҳужжатлар қабул қилиш бир маромда давом этмоқда. Бўлғуси талабалар, уларнинг ота-оналари, қариндошлари учун барча шарт-шароитлар бор. Ошхона, чойхона, ётоқхона улар хизматида.

СУРАТЛАРДА: университет қабул комиссияси ҳаётидан лавҳалар.

**Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.**

# ОҚ ЙЎЛ, ЁШ МУАЛЛИМЛАР!

Яқинда Муқимий театрининг биноси байрам тусини олди. Бу ерда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кенг жамоатчилиги ҳамда меҳмонлар жамулжам бўлишди.

Тантанани институт ректори, профессор К. Юсупов очиб, шундай деди: "Бугунги оламшумул ўзгаришлар рўй бераётган бир даврда ўқитувчиларнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга. Улар мустақил диёримизнинг келажагини таъмин эта оладиган маънавий баркамол, юксак билимли ёш авлод учун масъулдирлар". Тантанада халқимизнинг севимли шоири Абдулла Орипов битирувчиларга оқ йўл тилаб янги шеърларидан ўқиб берди.

Устозлардан профессор А. Иванова, Н. Маҳмудовлар, Тошкент шаҳар халқ маорифи ходими, Л. Пунчик ёш муаллимларга оқ йўл тиладилар. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби Б. Юсупов бир гуруҳ аълочи битирувчиларни Республика Ёшлар Иттифоқи Фахрий ёрлиғи билан тақдирлади. Битирувчилар номидан сўзга чиққан Ҳ. Тошматов, М. Хидировалар келажакдаги ишларида доимо устозлар ўгитига амал қилажакларини айтдилар.

Тантана якунида битирувчиларга дипломлар топширилди.

**Умида ҚАЮМОВА.**

## Таълим: ислоҳот қирралари

# ХЭЛЛОУ, АМЕРИКА

Америка Қўшма Штатларига ўқишга жўнаб кетаётган ўзбекистонлик юқори синф ўқувчилари Америка заминига оёқ қўйгач, худди шу сўзларни айтадилар. Республиканинг ҳамма вилоятлари ва Қорақалпоғистондан 55 ўқувчи таҳсилни Америкада давом эттириш имкониятига эга бўлди. Уларга бу имкониятни АҚШдаги "Акселс" таълим ва тил ўрганиш соҳасидаги ҳамкорлик маркази яратиб берди. Марказ вакиллари Ўзбекистонга олижаноб мақсадни, яъни инглиз тилини яхши биладиган иқтидорли болаларга таълим беришга доир бир қанча дастурларни амалга оширишни кўзлаб келишган эди.

Республика Ҳалқ таълими вазирлиги таҳсил олиш учун АҚШга жўнаб кетаётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашув ташкил қилди. Унда халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Генри Лии Кларк ўқувчиларга оқ йўл тиладилар. Бу тадбирни Америка томони маориф соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома доирасида амалга ошираётгани қайд этилди. АҚШ ўқувчиларнинг Америкада бўлиши билан боғлиқ ҳамма харажатларни ўз зиммасига олади.

Бундан бир йил олдин 48 нафар ўқувчи нуфузли мактаб ва коллежларда билим олиш учун АҚШга жўнаб кетган эди. Ўқувчиларни кузатишга улар ҳам келишди.

— Вазифамиз — уларнинг АҚШ мактабларида олган билимдан тўла фойдаланишларига эришишдан иборат, — деди халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев. — Шу муносабат билан бир қанча олий ўқув юртлари негизида истеъдодли ўқувчилар учун лицейлар очишни режалаштиряпмиз.

Ҳукуматимиз иқтидорли болаларга доимий эътибор бераётгани ҳам муҳимдир. Истеъдодли болаларни рағбатлантириш учун махсус жамғарма ташкил этилгани, қобилиятли болаларни аниқлаш учун ижодий танловлар, олимпиадалар ўтказилаётгани бунинг далилидир. Шу жиҳатдан қараганда, хорижий тажриба диққатга сазовор. Биз таълим андозасини ишлаб чиқиш ва барча илғор усулларни жорий этиш учун бу тажрибани ўрганмоқчимиз.

Ўзбекистон ҳозир таълим соҳасида кўп мамлакатлар билан алоқани кенгайтирмоқда. Шу сабабли чет тилларни ўрганиш муаммосига катта эътибор берилмоқда. Жаҳон тажрибасини ўзлаштиришга истеъдодли ёшларни жалб этиш зарур. Ўқиш учун АҚШга жўнаб кетаётган 55 нафар ўқувчимиз мустақил Ўзбекистоннинг муносиб вакиллари бўлади, деб умид қиламан.

**Л.СТРУННИКОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮРТ СОҒЛИҒИ УЧУН

Яқинда II Тошкент Давлат Тиббиёт институти ўзининг қалдирғочларини тўртинчи марта учирма қилди. Шу муносабат билан Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театри биносида ректорат, талабалар иштирокида битирув кечаси бўлиб ўтди. Кечани институт ректори, профессор Ҳамид Каримов очиб, битирувчиларни чин қалбдан табриклаб, талабаларга дипломлар топширди. Сўзга чиққан талабалар "юрт соғлиғи учун" астойдил курашишга бел боғлаганликларини айтишди. Хориждан келиб юртимизда таҳсил олаётган талабалар номидан гапирган ҳиндистонлик Ажай Кумарнинг: "Мустақил Ўзбекистоннинг буюк халқига, таълим берган устозларимга катта раҳмат" деган сўзлари талабалар ва устозларининг қалбларида фахр уйғотди. Кеча сўнгида Ҳамза театри ижодкорлари билан "Шофайз" гуруҳи ўз санъатларини намойиш этишди.

**Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ.**

## Ҳамқишлоқлар

# ХОДИМ ХОЛА

*Тўйнинг эгаси ким? Албатта бу қизиқ савол. Лекин қишлоқда шундай ўрф-одатлар борки, уларни билсангиз, бу саволдан ажабланмайсиз. Қишлоқда тўйнинг эгаси — ходим хола ҳисобланади. Чунки тўйда дастурхонга қўйиладиган таомлар, пишириқлар, тўйнинг тартиб билан ўтиши, меҳмонларга қандай хизмат кўрсатилиши — ҳамма-ҳаммаси ходимга боғлиқ. Бу ҳақда ҳатто баъзилар "Тўйни бор қилувчилар ҳам. йўқ қилувчилар ҳам ходимлар" деб айтишади.*

*Боғизоғонликлар Шоира Сулаймоновани "ходим хола" деб ҳурмат қилишади. У кишини қишлоқ одамлари бир овоздан қишлоқ "ходим холаси" этиб сайлашган. Мен қишлоқнинг бу ҳурматли онахонини кўргим келди.*

**— Холажон, кимлар ходим бўла олади! Бунинг учун ўша одам қандай бўлиши керак!**

— Қишлоғимизда бир кампир ходим бўларди. У кишини кўпчилик исмини ҳам билмай, "ходим хола" дейишарди. Ўша кампир вафот этгандан кейин қишлоқ кенгашида йиғилиш ўтказиб, мени ходим этиб сайлашди. Ҳар ким ҳам ходим бўлавермайди. Ходим киши пок, ҳурматли, сўзи ўтадиган, чаққон, қишлоқ одамларини яхши биладиган бўлиши керак.

**— Ходимларнинг вазифасига нималар киради!**

— Ходимлар тўйда ҳам, азада ҳам, турли маъракаларда ҳам керак. Улар бўлмаса тўй, аза, маърака юмушлари "сан қил, сан қил" бўлиб кетади. Улар тартибга солиб туришади.

**— Ҳамма юмушларни ўзларингиз бажарасизми!**

— Йўқ, айланай. Бизларнинг ҳам ёрдамчиларимиз бўлади. Бизлар ким нима иш қилишини айтиб турамиз. Таомларни пиширамиз. Тўй бўлса, барвақт бориб, тўйга келувчиларга етадиган қилиб овқат тайёрлаймиз. Аёлларга алоҳида, эркакларга алоҳида. Биринчи эркакларга таом тортилади, кейин аёлларга.

**— Овқатдан бошқа нарсаларни ҳам пиширасизларми!**

— Тўй бўладиган бўлса, бир-икки кун аввал тўй эгаси, қариндош қишлоқ аёлларининг баъзиларини тўплаб, ким нима пиширишини, тайёрлашини бўлиб бераман.

**— Тўй дастурхони безалгандан кейин қандай хизмат қолади!**

— Меҳмонларга хизмат кўрсатиш. Дастурхон озодалигини сақлаш. Ким қозон бошидан овқат ташийди, ким чой келтиради. Мен учун тўйга ким келади — кўнглини олишга уринаман.

**— Сизларга хизмат ҳақи ҳам беришадими!**

— Тўй эгалари нимани лозим деб беришса, олиб кетаверамиз. Авваллари кийимликлар беришарди, ҳозир ҳар ким баҳоли қудрат пул беришади.

**— Ҳамма тўйга қатнашишингиз шартми! Бир кунда икки-учта тўй баравар келиб қолса нима бўлади!**

— Шогирдларим боради. Аввало қишлоқ кексалари билан маслаҳатлашиб, тўй кунларини аввалдан белгилаб чиқамиз.

**— Ҳар куни катта маъракага бош-қош бўлиш чарчатиб қўймайдими!**

— Оғирлик қилади. Бу йиллардан жуда чарчадим, болам. Ўн беш йилдан бери ходимлик қиламан. Лекин оғирлик қилса-да, маъракани ўтказиш менинг бўйнимда бўлганлиги учун ҳар қандай визиятда бораман. Ҳар қандай ишни йиғиштириб қўйишга тўғри келади. Бизни ишда касал бўлиш ҳам тўғри келмайди. Бизларга дўхтирлар қоғоз бермайди (хола яйраб куладилар).

**— Азага ҳам борар экансизлар! У ёқда нима қиласиз!**

— Бу ўлим ҳаммамизнинг бошимизда бор, айланай. Ким қачон ўлишини қайдан билади, дейсиз? Марҳумнинг "сеп"ини кўрамиз. Нимаси кам бўлса, айтамиз. Тўйда чарчаганингиз ҳам билинмайди. Азада қирқ кун азадорларга қўшилиб ҳар ис куни, йигирма, қирқ маъракаларида ўша ерда бўламиз. Ҳолвайтар пиширамиз. Ис кунлари азадорларнинг кўнглига таскин бериб, ёнларида бўламиз.

**— Хола, сизга бугунги тўйларимиз ёқадими!**

— Ёқади. Лекин ёқмайдиган томонлари ҳам бор?

**— Нималари ёқмайди!**

— Қиз узатганлар икки-уч кун ўтиб, келинни ота уйига чақиришади. Ўшанда янги келинга унинг қариндошлари кўрмана бериб, "кўрди-кўрди" қилишади. Ҳар бир киши кўришиш учун совғалар беради. Лекин ҳамма ҳам бунинг уддасидан чиқа олмайди. Ҳар хил оилалар бор. Қўли "калта"лар бор. Кейин низолар бошланади. "Сен билан у кўришмади, фалончининг кўрдисига ундоқ совғалар тушди", деган. Фотиҳа тўйларини сал қисқартириш керак. Нон ушатишларни кам кишилар қуршовида ўтказиш мумкин.

**— Ҳалиям аёллар тўйга тугун кўтаришадими!**

— Ҳозир аёллар ҳам замонавийлашиб кетишган. Тугун кўтаришмайди-пул беришади. Меҳмон кутишда ким қанча пул берганига қараб муомала қилинмайди.

**— Боғизоғонликларнинг тўйлари бошқаларникидан фарқ қиладими!**

— Ҳар кимники ўзига яхши-да. Бизнинг тўйларимизда аёлларимизнинг пазандаликлари яққол кўринади. Стол устида бўш жой қолмайди. Шуниси яхшики, дастурхонни безаш учун бозордан нарсалар сотиб олинмайди. Ҳаммаси ўзимизда тайёрланади. Мева-кўкатлар ҳар бир хонадонда бор.

**— Сизлар катта тантаналарда ҳам таомлар пиширасизларми!**

— Сумалак пиширамиз. Наврўзларда, байрамларда унутилган таомларни қишлоқ аёллари билан тайёрлаймиз.

**— Маъракаларнинг турларига қараб пишириладиган таомлар ҳам ҳар хил бўладими!**

— Албатта. Азали жойларда ҳолвайтар албатта пиширилади. Келин тўйида ун оши, барак, кесган ош, палов пиширилади. Болаларнинг хатна тўйида ун оши пиширилади.

**— Ходимлик ҳам касбми!**

— Йўқ, қишлоқдошларнинг ҳурматли хизматкори деб биламан. Менинг касбимни сўрасангиз, фаррошлик қиламан, ипак қурти боқаман. 11 болам бор. Беш келин, беш куёвим бор.

**— Ходимларга нима ёт бўлиши керак!**

— Қўли эгрилик. Иккита нон ва бир тўғрам гўштни яшириб, сумкага солишликдан қочиш керак. Бунда эл назаридан қоласиз ва тўй эгасининг баракасини учирасиз. Кимдир яхши ният билан элга дастурхон ёзибдими, дастурхонга тўкадиган нарсаларини халқ борича кўрсин.

**— Ҳали чарчаяпман дедингиз, шогирдларингиз борми!**

— Болажоним-ей, ёшлар нимагадир исташмаяпти ходимлик қилишни. Менга ёрдамлашиб юрадиганлари ичида бунга арзийдиганлари бор. Бўйнига олишни исташмайди. Ким билади, вақти келса уддалаб кетишар. Халқ хизматидан қочиб бўлмайди-ку.

Ходим холага ҳавасим келди. Кўп кунлари тўйда ўтади. Тўйдан айирмасин ҳаммамизни.

**Гули ЧЕҲРА.**

## Буюк ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

# ВАТАННИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ...

Ўн олти ёшли Зебо Москва Давлат театр санъати институтига ўқишга кирган эди. Аммо фашист босқинчилари хиёнаткорона уруш бошлаганликлари оқибатида ўқишни Москвада давом эттириш мумкин бўлмай қолади. Зебо таҳсил кўраётган олий ўқув юрти шарққа томон кўчириладиган бўлди.

Зебо бошқа шаҳарга бориб ўқишни давом эттиришдан кўра Ватанни ҳимоя қилишни афзал кўрди. Шу мақсадда 1941 йил 16 октябрь куни Москва шаҳрининг Краснопресненск тумани ҳарбий комиссарлиги томонидан кўнгилли сифатида ҳарбий хизматга чақирилди ва фронтга жўнади.

У 130-ўқчи дивизия таркибидаги 151-алоҳида механизациялашган ўқчи-разведка батальонида мерган-разведкачи сифатида жангга тушди. Мерганлик ҳаракатининг ташаббускорларидан бўлган Зебо Ғаниева орадан унча кўп вақт ўтмай, дивизиядаги энг моҳир қирувчи мерган сифатида танилди. Чунки, 1942 йилнинг январь-май ойларида Ленинград вилоятининг Моловотицк туманидаги Черная, Ожесци, Лунево ва Дяшлева қишлоқлари бўсағасида олиб борилган жангларда катта тажриба орттирди.

Зебо вазмин, ҳушёр, уддабурон ва дадил эканлигидан қиш пайтидаги 30—35 даражали совуқни, баҳордаги изғиринли нам ҳавони писанд қилмай душманнинг олдинги сафарларини 20-30 соатлаб кузатарди.

Ўтган муддатда мерганлик милтиғидан ўт очиб, 11 гитлерчини шу жумладан икки офицерни жаҳаннамга жўнатган Зебо Ғаниева 1942 йил 23 май куни Б.Врагова қишлоғида жойлашган душман гарнизони йўналишида мерганлик қилиш тўғрисида топшириқ олди.

Шу пайт батальон таркибидаги танкчилар взводи Б.Врагова қишлоғи томон ҳужум бошлаб қолди. Бундан ғулғулага тушиб қолган гитлерчилар қишлоқдан қоча бошлади. Зебо қулай фурсатни қўлдан бой бермаслик учун ўзи етакчи бўлган 9 кишидан иборат мерганлар гуруҳининг чекинаётган фашистларга қарата ўқ отишни ташкил этди.

Гитлерчиларга қарши давом этаётган шиддатли жанг пайтида душман миномётчилари қишлоққа қарата ўт очишди. Шу жангда Ғаниева биқинига душман минасининг парчаси келиб тегди.

Яраси боғлангандан кейин Зебо полк командири ҳузурида бўлиб, жанговар вазифа муваффақиятли адо этилганлиги тўғрисида ахборат беради. Шундан сўнг у даволаниш учун госпиталга жўнатилади.

***

1942 йил 6 декабрь куни иккинчи ўзбек бадиий бригадаси Москва шаҳрига ташриф буюради. Бригада таркибида ёзувчи Ойбек ҳам бор эди. Бригада аъзолари бир неча кун давомида Москва шаҳрида, ҳарбий қисмларда жанг майдонлари бўсағаларида бўлишди. Улар Ойбек билан бирга Зебо Ғаниева даволанаётган госпиталга боришади.

Бадиий бригада аъзоларининг ташрифидан Зебо Ғаниеванинг боши осмонга етди. Салом — аликдан сўнг Зебо ҳамюртларига ўзига тақдим этилган Қизил байроқ орденини кўрсатади.

Ойбек ака "Фронт бўйлаб" деб номланган эсдаликлар китобида таъкидлашича, Зебонинг аҳволи оғир, яқинда Андижондан онаси келиб кетган экан. Ташриф муносабати билан ёш ашулачилар паст овоз билан Зебога ўзбек ва озарбойжон қўшиқларидан айтиб беришибди. Ўз навбатида Ойбек ака "Зебо" сарлавҳали шеърини ўқиб берган экан. Қуйида шу шеъридан бир парчани муштарийлар эътиборига ҳавола қилишни мақсадга мувофиқ деб топдим.

Сен бўлгил қаҳрамон, шифо,
топ Зебо!
Келтирдик биз сенга халқнинг
саломин.
Сенга севги, ҳурмат ҳар кўнгилда жо,
Қабул эт дўстларнинг қизғин
саломин.

Сен Улуғ Ватаннинг қизисан
донгдор,
Мардона ишларинг тилларда
достон.
Сен билан халқимиз қилур ифтихор,
Номинг кўкракларни кўтарур
ҳар он.

Урушдан кейин фронтда оғир ярадор бўлганлиги сабабли санъат билан ҳайрлашишга тўғри келди. Аммо, уруш имтиҳонлари унинг иродасини чиниқтирди, сабр-тоқатли ва матонатли бўлишга ундади.

Зебо Ғаниева Боку шаҳрида ўқиб, олий маълумот олди. Кейинчалик филология фанлари номзоди бўлди. Уни ҳинд тили ҳам қизиқтириб қолди. Малакасини ошириш мақсадида Ҳиндистонда ўқиб қисқа муддатда ҳинд тилини мукаммал ўрганишга муваффақ бўлди.

Жангчи олима жасоратидан, самарали ижодий фаолиятидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

**Мажид САМАДОВ,**
**Уруш фахрийси.**

## Газета саҳифаланаётганда:

# ЧЎПОН... ҚЎЛГА ТУШДИ

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани ички ишлар ходимлари икки от сотаётган учта ўспиринни қўлга олишди. Мол сотиш жиноят эмас, албатта. Аммо, кимнинг қандай мол сотаётганида ҳам гап кўп-да. Ўспиринлар сотмоқчи бўлган отлар шу тумандаги жамоа хўжаликларининг биридан ўғирланган экан...

Нишон туманида қўй сотаётган... чўпон қўлга тушди. Ўзи "Қашқадарё" давлат хўжалигида қўйчивонлик қиладиган бу нафс бандаси икки шериги билан бировнинг ўн иккита қўйини ўғирлаб бозорга олиб чиққан экан...

Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида истиқомат қиладиган, ҳеч қаерда ишламайдиган кимса ўзи милицияга кириб келиб, фермадан бешта қўй ўғирлаганини тан олди. Эҳтимол, бу иқрори учун унга бериладиган жазо енгилроқ бўлар...

**(ЎзА мухбири).**

***КЕЛГУСИ СОНДА:***

- **Ҳамма яшашни истайди**
- **Танқиднинг меваси ширин бўлади**

# *БРАЗИЛИЯ — ТЎРТ КАРРА ЧЕМПИОН!*

Мана, 32 кундан буён футбол ишқибозлари қалбини ларзага солган XV-Жаҳон чемпионати ҳам ниҳоясига етди. Чемпионат ўзига хос жиҳатлари билан футбол ишқибозлари юрагида узоқ сақланиб қоладиган бўлди. Энди икки оғиз сўнгги икки ўйин ҳақида...

**ҲАҚИҚИЙ УЧИНЧИ ЎРИН**

16 июль куни бўлиб ўтган Швеция-Болгария учрашуви яна бир карра Оврупо футболининг кучли жиҳатларини кўрсатди. Бу икки жамоа саралаш ўйинларида ҳам гуруҳдош сифатида юзлашишган эди. Бу сафар эса 3-ўрин учун...

Ўйин икки томоннинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. Саккизинчи дақиқадаёқ Брулин дарвозани аниқ нишонга олди. Ҳисобни тенглаштириш иштиёқида Болгария футболчилари ҳужумга ташландилар. 32-дақиқада Милд киритган тўп Швеция футболчиларини янада руҳлантириб юборди, оқибатда 37-дақиқада Ларсон ва 39-дақиқада К. Андерссоннинг аниқ зарбалари ҳисобни 4:0 қилди-қўйди. Шундай қилиб, чиройли ўйин кўрсатган Швеция чарм тўп усталари XV жаҳон чемпионатининг ҳақиқий 3-ўрин соҳиби бўлишди.

**120 ДАҚИҚАЛИК ДУРАНГ...**

Ниҳоят кутилган дамлар етиб келди. Финалда Италия — Бразилия. Иккиси ҳам уч мартадан жаҳон кубоги соҳиби. Одатдагидек, яна Оврупо ва Амриқо футболи юзма-юз. Қитъалараро ҳисоб эса 7:7. Ким ғолиб бўларкин?.. Италия ва Бразилия финалда 24 йиллик танаффусдан сўнг иккинчи бор юзлашишди. 1970 йилда "Олтин маъбуда" учун кураш бўлган бўлса, бу гал тўрт карра чемпионликка...

Венгриялик ҳакам Шандар Пулнинг хуштаги билан башоратларнинг аксарият қисмида чемпионликка асосий даъвогар — Бразилия терма жамоаси ўйинни бошлаб берди. Ўйиннинг анчагина қисми финал ўйинларига хос бўлган эҳтиёткорона ҳужумлар билан ўтди. 13-дақиқада Ромарио йўллаган зарба ўйиннинг дастлабки хавфли вазияти бўлди. Бебето чамаси 18 метрлар узоқликдан тепган тўп ҳам томошабинларнинг ҳаяжонига айланди. Бунга жавобан 19-дақиқада италиялик Массаро Таффарел билан яккама-якка чиқиб, сал бўлмаса-да, ҳисобни очай деди. Биринчи бўлим бразилияликларнинг тўла устунлиги билан ўтган бўлса-да, ҳисоб очилмади.

Иккинчи бўлим, олдингисига нисбатан сустроқ кечди. Дарвозабонларнинг ва ҳимоячиларнинг бехато ўйини 0:0 ҳисобини 90 дақиқа ичида ҳам ўзгаришига йўл қўймади. Ўйинга ажратилган вақт мобайнида ушбу ҳисобни на бразилиялик моҳир ўйинчи Ромарио, на Италия ишқибозларининг "суянчиғи" Р. Баджо ўзгартиролмади. Қўшимча берилган 15 дақиқалик икки бўлим ҳам шу ўйиннинг деярли мантиқий қисми бўлди. Агар Ромарионинг бўш қолган дарвозага ноаниқ зарбаси ва Баджонинг дарвоза томон тепган тўпи ҳисобга олинмаса, қўшимча вақт ҳам деярли "курашсиз" ўтди. Венгриялик ҳакамнинг 120-дақиқада чалган хуштаги финалнинг "ўйин" қисмига якун ясади. Ҳа, футбол тарихида биринчи марта жаҳон чемпионатининг сўнгги учрашуви 11 метрлик тўплар тепиш орқали ҳал бўладиган бўлди...

... Тўпга биринчи бўлиб Италия терма жамоасининг сардори Барези келди ва... ноаниқ зарба. Сардорининг хатосини Италия дарвозабони Палюка ажойиб маҳорати билан тўғрилади. Сантоснинг омадсиз зарбасидан сўнг, италиялик Албертини анчадан бери кутилаётган ҳисобни очди. Бунга жавоб тариқасида Ромарио ҳисобни тенглаштирди. Эвани ва Бранконинг аниқ зарбаларидан сўнг, тўпга яқинлашган италияликларнинг моҳир ҳужумчиси Массаро жамоа сардорининг хатосини янгилади. Аммо жамоадошининг хатосини бу сафар Палюка тузатишга ожизлик қилди. Дунганнинг йўллаган кучли зарбаси бразилияликларни олдинга олиб чиқди. Энди барча умид 5-тўпга келаётган Роберто Баджода эди... Аммо бундай ноаниқ зарбани "зангори экран" қаршисида ўтирган 1,5 миллиард футбол томошабинларининг биронтаси ҳам кутмаган эди. Италияни финалгача босиб ўтган оғир йўлларида энг катта қаҳрамонлик кўрсатган Робертонинг ноаниқ зарбаси. Бразилия терма жамоасининг 4-марта жаҳон чемпиони бўлишини таъминлади. Чунки ҳисоб 3:2 бўлгани боис, ортиқча тўп тепишга ҳожат қолмаганди. Шундай қилиб, Жанубий Амриқонинг суюкли жамоаси, — нимчоракдаёқ оврупoликлар билан қолган — Бразилия футбол тарихида биринчи марта 4 марта жаҳон чемпиони бўлди. Тақдирни қарангки, 1970 йил Мексикадаги Италия билан бўлган финалда ҳам илк маротаба 3 марта жаҳон чемпиони бўлган Жанубий Амриқолик чарм усталари 24 йиллик танаффусдан сўнг яна итальянларнинг устидан ғолиб келиб, футбол тарихига янги буюк воқеани ёзишди.

Кейинги жаҳон чемпионати Францияда бўлиб ўтади. Унда 32 жамоа қатнашиши кўзда тутилган. Кўрамиз, 8:7 — қитъалараро ҳисобни ким ўзгартираркан? Дарвоқе, Оврупода Оврупо, Амриқода Амриқо жамоалари устун эканлигини эсдан чиқармайлик.

Хайр, сеҳрли диёр — Амриқо!!!

**Хайрулло ҲАМИДОВ.**



Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ

Туркистон
TURKİSTAN

*Таъсис этувчи:*
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар – 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
70083 Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г — 996 42428 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00.

*Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.* 1 2 3 4 5 6.